

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЖАББОРОВ ШЕРМАТ ШОКИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒ ОЛДИ ШАРОИТИДА ҚОРАБАЙИР ЗОТЛИ
ТОЙЛАРНИ ЖАДАЛ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contens of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Жабборов Шермат Шокирович

Ўзбекистоннинг тоғ олди шароитида қарабайир зотли тойларни жадал ўстириш технологияси 3

Жабборов Шермат Шокирович

Технологии интенсивной выращивания жеребят карабайирской породы в предгорных условиях Узбекистана. 21

Jaborov Shermat Shokirovich

Technologies of intensive breeding of Karabair breed foals in the foothill conditions of Uzbekistan.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЖАББОРОВ ШЕРМАТ ШОКИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒ ОЛДИ ШАРОИТИДА ҚОРАБАЙИР ЗОТЛИ
ТОЙЛАРНИ ЖАДАЛ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Qx 876 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.svmitf.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурматов Аъзамжон Акбарович,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта
илмий ходим.

Расмий оппонентлар:

Шаптаков Эркин Суюнович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Ҳафизов Иноят Исмоилович,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси ветеринария
ва чорвачиликни ривожлантириш давлат
қўмитаси**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100117, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20-мавзе, 35А-уй. Тел: (99870) 9758311); e-mail: svmi@tfiyandex.ru, www.svmitf.uz).

Диссертация билан Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100117, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20-мавзе, 35А-уй. Тел: (99870) 9758311, факс: (99870) 9758311; e-mail: svmi@tfiyandex.ru, www.svmitf.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «__» ____ кун тарқатилди.

(2023 йил «__» ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Б.К.Мадартов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор.

М.Э.Ғойипова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, в.ф.ф.д. (PhD).

С.И.Мавланов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, в.ф.д..

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда йилқичилик халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўпчилик давлатларда зотдор отлар ҳар доим миллий бойлик ҳисобланиб, уни кўпайтиришга ҳаракат қилишган. Ҳозирги кунда дунёда 250 дан ортиқ от зотлари мавжуд бўлиб, наслчилик, маҳсулдорлик ва спорт йўналишларида фойдаланилади. Мавжуд зотдор отлардан қишлоқ хўжалигида кам фойдаланилади. Чунки, ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида дала ишлари ва юк ташиш ишлари механизациялаштирилганлиги сабабли отлар меҳнатига эҳтиёж камайиб бормоқда. Шу билан биргаликда, мавжуд отларни зот стандарти талабларида сақлаш долзарб муаммога айланиб қолмоқда. Йилқичиликда тойларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини яхшилашда тўлақийматли озиклантириш учун кунлик рацион таркибига макро ва микровитаминлар, минераллар, углеводлар, оксилларга бойитилган озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқишда замонавий технологиялардан фойдаланиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатлари орасида отчилик билан шуғулланадиган Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва бошқа ривожланган давлатларда йилқичилик соҳасига бирмунча эътибор қаратилган. Ушбу мамлакатларда ўсиш ва ривожлантиришнинг жадал усулларини ишлаб чиқиш, от гўшти ишлаб чиқариш, спорт йўналишидаги отларни етиштириш, қимматли ирсий хусусиятга эга отларни экспорт ва импорт қилиш орқали от спортини ривожлантириш йўналишида кенг қамровли ишлар амалга оширилган. Отларни яйлов шароитларида сақлаш, кунлик рационини кўшимча биологик фаол моддалар билан бойитиш, тойларни жадал ўстириш технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда сўнгги йилларда йилқичиликга бўлган талаб янада ортимоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги қарорида “...соф зотдор отларни урчитиш ва кўпайтириш, ёш отларнинг ривожланиши ва ўсишини, йилқичилик фермаларида қимиз ишлаб чиқаришни, интенсив от бўрдоқчилигини ташкил этиш, яйлов ва ем-озуқа базасини мустаҳкамлаш ва отлардан олинган маҳсулотлар турларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси...;”¹ каби қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши белгиланган. Республикамизда яратилган қорабайир от зоти ўзгарувчан табиий-иқлим шароитларга ҳамда тоғ олди ва тоғли ҳудудларга мослашувчанлиги, касалликларга ва иқлимга чидамлилиги, озуқа танламаслиги, чопқирлиги, маҳсулдорлиги, енгил ҳаракат қилиши билан ажралиб туради. Тойлар сутдан ажратилгандан сўнг дағал озуқалардан турли хил витаминлар ва минералларни бир хил меъёردа ололмайди. Натижада, организмга керакли макро-микроэлементлар ва витаминларнинг етишмаслиги моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келади. Ҳайвон ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади. Ушбу вазиятда

¹ 2021 йил 5 августдаги ПҚ-5211-сон «Ўзбекистонда йилқичилик, от спортини, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги қарори

қорабайир зотли отларнинг минерал қўшимчалар ва витаминларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида табиий биологик фаол қўшимчалар билан қоплаш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги ПҚ-3057-сон «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги ВМ-517-сон «2017-2021 йилларда йилқичилик ва от спортини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 18 февралдаги ПҚ-4194-сон «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 11 мартдаги ПҚ-5024-сон «Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 5 августдаги ПҚ-5211-сон «Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги, қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазибаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши фан ва технологияларни ривожлантириш давлат дастурининг ИТД-6. “Замонавий геномика, протиомика, митоболимика ва биоинформатиканинг ютуқларига асосланган биотехнологияларни ривожлантириш” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда қорабайир зотли отларни насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшилаш, тойларнинг ўсиш ва ривожланишини ўрганиш бўйича А.К.Лихов, А.П.Афанасьев, М.К.Сохтаев (1970) ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар. Д.Холмирзаев (1980, 1991, 1996) томонидан Ўзбекистоннинг тоғолди ҳудудларида тойларни ўстириш, тоғолди ҳудудларида қорабайир зотли отларни бўрдоқилаш ҳамда маҳсулдор йилқичиликни ривожлантиришнинг амалий усуллари ва илмий асослари йўналишида комплекс тадқиқотлари олиб борилган. А.А.Нурматов (2004, 2008, 2009, 2010, 2012) томонидан қорабайир зотли тойларнинг ҳар хил асраш шароитида ўсиши, ривожланиши ва гўшт маҳсулдорлиги, наслдор айғирларни қочириш мавсумига тайёрлаш ва боқиш, йилқичиликда қишлоқ мавсумини ўтказиш, наслчилик иши йўналишида тадқиқотлар олиб борилган. МДХ давлатларида сўнгги йилларда йилқичиликнинг ривожланишида М.А.Политова, В.А.Демин (2019), Б.М.Монгуш, А.М.Зайцев (2020), И.Н.Нечаев, Н.Есенбаев, Н.Кикебаев (1990), А.Иманғалиев (2001), А.Т.Турабаев, С.С.Раҳманов, Д.М.Нурмаханбетов, Г.Т.Бактыбаев (2017) илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Чорвачилик ва паррандачилик илмий–тадқиқот институти илмий–тадқиқот ишлари режасининг № ҚХА-6-009. “Қорабайир зотли тойларнинг ўсиш ва ривожланишига табиий биологик актив қўшимчаларнинг таъсири” (2012-2014 й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг тоғ олди шароитида қорабайир зотли тойларни виночилик саноатининг иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалардан фойдаланиб жадал ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорабайир зотли тойларнинг турли ўсиш даврларда вино саноатининг иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчаларни озиклантириш рационига киритиш меъёрларини аниқлаш;

вино саноатининг иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар билан бойитилган озуқалар бериш натижасида қорабайир зотли тойларнинг ўсиш ва ривожланишини аниқлаш;

вино саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар билан бойитилган озуқаларни тойлар организмида ҳазмланиш коэффициенти аниқлаш;

қорабайир зотли тойларнинг турли ўсиш даврларида клиник ва гематологик кўрсаткичларини аниқлаш;

тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги “Қорабайир” йилкичилик фермасида урчитилаётган қорабайир зотли тойлар ва виночилик саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қорабайир зотли тойларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, клиник ва гематологик кўрсаткичларига биологик фаол қўшимчаларнинг таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотларни бажаришда тажрибадаги қорабайир зотли тойларни озиклантириш А.П.Калашниковнинг “Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини озиклантириш меъёрлари ва рационлари” асосида, озуқадаги тўйимли моддаларнинг ҳазмланиши, тирик вазни, экстеръери ва тана тузилиш индекслари зоотехнияда умумқабул қилинган услубларда, тўйимли моддаларнинг ҳазмланиш коэффициенти озуқа билан қабул қилинган ва гўнг билан чиқарилган қуруқ модда, протеин, ёғ, клетчатка ва АЭМнинг миқдорини ҳисоблаш йўли билан, Е.А.Арзуманян услубида, тойларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари Сали услубида, олинган маълумотларни биометрик қайта ишлашда Е.К.Меркурьеванинг услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: илк бор Ўзбекистонда қорабайир зотли тойларни озиклантиришда таркибида витамин Е, В₁, В₂, Р, РР,

провитамин А, минерал моддалар сақловчи виночилик саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалардан фойдаланганлиги асосланган;

вино саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар билан бойитилган озукани бир кунлик рационга ўртача 300-400 г. дан қўшиб бериш натижасида тажриба гуруҳидаги 24 ойлик тойларнинг тирик вазни 340,1 кг га етказилган, натижада, назорат гуруҳига нисбатан 48,9 кг га юқори бўлганлиги исботланган;

вино саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар билан бойитилган озукаларни тойлар организмида ҳазмланиш коэффициенти назорат гуруҳига нисбатан II тажриба гуруҳида протеин 2,53%, клетчатка 3,68%, ёғ 86,43% га юқорилиги аниқланган;

қорабайир зотли тойларнинг турли ўсиш даврларида қон таркибидаги шаклли элементларнинг ўзгариши ўрганилганда, назорат гуруҳига нисбатан II тажриба гуруҳида эритроцитлар 1,06 ва $0,3 \times 10^{12}/л$, лейкоцитлар 2,26 ва $0,6 \times 10^9/л$, тромбоцитлар 4,67 ва $0,67 \times 10^9/л$ га юқори бўлганлиги исботланган;

тадқиқотлар натижасида назорат гуруҳидаги тойларда иқтисодий самарадорлик даражаси 7,35 фоизни ташкил қилган бўлса, иккиламчи узум маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар билан бойитилган озуқа билан боқилган II тажриба гуруҳидаги тойларнинг иқтисодий самарадорлик даражаси 18,84 фоизни ташкил қилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таркибида витамин Е, В₁, В₂, Р, РР, провитамин А, минерал моддалар, калий, кальций ҳамда политўйинмаган кислоталар ва кофеин сақловчи виночилик саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчаларни тойлар рационига киритишнинг мақбул меъёрлари ишлаб чиқилган;

тойларнинг тирик вазн ва экстерьер кўрсаткичларини жадаллаштиришда улар рационига 300-400 г миқдорда биологик фаол қўшимчаларни киритиш орқали моддалар алмашинуви жараёнларининг жадаллашиши аниқланган;

барча ёш даврларида тойларнинг рациондаги биологик фаол қўшимчалар қўшиш орқали мутлақ, кунлик ва нисбий ўсиш кўрсаткичларини яхшилаш мумкинлиги аниқланган;

тойлар рационига биологик фаол қўшимчаларни киритиш уларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичларини сифат жиҳатдан яхшилаши ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка олиб келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, олинган хулосалар, таклифлар ва тавсияларнинг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан ижобий баҳо берилганлиги, маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов берилганлиги, ишончлилик мезонларининг аниқланганлиги, тадқиқот натижалари жорий этиш далолатномалари билан тасдиқланганлиги ва етакчи илмий ва илмий-оммабоп нашрларда чоп қилинганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти виночилик саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчаларни тойларнинг рационига киритиш меъёрлари, тойларнинг жадал ўсиши, уларнинг тирик вазни, экстерьер кўрсаткичлари, мутлақ, кунлик ва нисбий ўсиш кўрсаткичларининг ортиши, тойларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари ҳамда қоннинг кимёвий таркиби сифат жиҳатдан яхшиланиши илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ олди шароитида қорабайир зотли тойларни жадал ўстириш технологиясининг жорий этилганлиги, тойларни озиклантиришда виночилик саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалардан фойдаланиш натижасида тойларнинг ўсиш ва ривожланиши жадаллашиб, иқтисодий самарадорликнинг ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг тоғ олди шароитида қорабайир зотли тойларни жадал ўстириш технологияси йўналишида олиб борган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

тойларни биологик фаол қўшимчалар ёрдамида жадал ўстириш технологияси Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани “Қорабайир” ҳарбий йилқичилик хўжалигида жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 28 июлдаги 02/23-310 рақамли маълумотномаси). Натижада, 1 бош тойни жадал ўстиришдан олинган даромад 1718,0-1860,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси 15,72-18,12 фоизни ташкил этган;

тойларни биологик фаол қўшимчалар ёрдамида жадал ўстириш технологияси Тошкент вилояти Қибрай тумани “Саман само” наслчилик фермер хўжалигида жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 28 июлдаги 02/23-310 рақамли маълумотномаси). Натижада, 1 бош тойни жадал ўстиришдан олинган соф фойда 228,9-280,9 минг сўмни, рентабеллик даражаси 15,38-17,79 фоизни ташкил этган;

тойларни биологик фаол қўшимчалар ёрдамида жадал ўстириш технологияси Хоразм вилояти Янгибозор тумани “Йилқичилик ва от спорти федерацияси”да жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 28 июлдаги 02/23-310 рақамли маълумотномаси). Натижада, 1 бош тойни жадал ўстиришдан олинган соф фойда 224,7-276,5 минг сўмни, рентабеллик даражаси 15,04-17,47 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги “Қорабайир” ҳарбий йилқичилик хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2011-2013 й.), Ўзбекистон кишлок хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг апробациясида (2012 й), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг апробациясида (2020 й), Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти илмий кенгаш йиғилишларида ҳамда 3 та

халқаро, 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та, шу жумладан, 1 та тавсиянома, халқаро ва республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўпламида 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та (шундан 1 таси хорижий нашрларда) илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, адабиётлар шарҳи, тадқиқот ўтказиш жойи, хусусий тадқиқотлар натижалари, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий жиҳатдан асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида қорабайир зотли отларнинг аҳамияти, отларни озиклантириш ва асраш, уларни озиклантиришда бентонитдан фойдаланиш, отларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари йўналишида республика ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертация ишининг **“Тадқиқотларни ўтказиш жойи, манбаи ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, тадқиқот манбаи ва тадқиқотни бажариш услублари баён қилинган.

Илмий-тадқиқот ишларининг тажриба қисми 2012-2014 йилларда Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги “Қорабайир” йилқичилик фермасида бажарилган. Тадқиқотнинг объекти сифатида қорабайир зотли тойлар ва виночилик саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар танланган. Тадқиқотлар давомида тойларни озиклантириш, озиклантириш меъёрлари, озуканинг ҳазмланиш даражаси, тойларнинг тирик вазни, экстеръери, тана тузилиши индекслари, кунлик, нисбий ва мутлақ ўсиш кўрсаткичлари, тойларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари, тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш, тажрибалардан

олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланилган услублар баён қилинган.

Диссертациянинг “Тойларнинг ўсиш ва ривожланишига биологик фаол қўшимчаларнинг таъсири” номли учинчи бобида тажрибадаги тойларни озиклантириш ва асраш, биологик фаол қўшимчалар, тойларни озиклантиришда баланс тажрибаси, тойларнинг турли ўсиш даврларидаги тирик вазни ва экстерьер кўрсаткичлари, тойларнинг турли ўсиш даврларидаги тана индекслари, тойларнинг турли ўсиш даврларидаги мутлак, кунлик ва нисбий ўсиш кўрсаткичлари йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Тойларнинг ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш учун турли усуллардан ва турли озукавий қўшимчалардан фойдаланилди. Тойларнинг ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш мақсадида уларнинг рационига қўшимча равишда виночилик саноати иккиламчи маҳсулотларидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар киритилди.

1-жадвал

Тойларни озиклантириш рационини, бир бошга бир кунда

Кўрсаткичлар	Ёши, ойлар	
	6-12	18-24
	Тирик вазни, кг	
	200	350
Беда пичани, кг	6,5	8,0
Сули (ёрмаси), кг	2,0	3,0
Буғдой кепаци, кг	0,5	0,5
Ош тузи, г	18,0	24,0
Биологик фаол қўшимча, г	200 300*	300 400*
Рацион таркибида:		
Қуруқ модда, кг	6,75	9,16
Озуқа бирлиги	5,8	6,95
Алмашинувчи энергия, Мж	60,95	83,4
Хом протеин, г	976	1030
Ҳазмланувчи протеин, г	629	727
Хом клетчатка, кг	1,5	2,04
Кальций, г	48,0	52,0
Фосфор, г	40,7	40,0

**иккинчи тажриба гуруҳига берилган биологик фаол қўшимчалар миқдори*

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, назорат гуруҳидаги 6-12 ойлик тойларга таркибида 6,5 кг беда пичани, 2,0 кг сули, 0,5 кг буғдой кепаци бўлган озукалар берилди. Ушбу даврда I тажриба гуруҳидаги тойлар рационига 200 г, II тажриба гуруҳидаги тойларга эса 300 г биологик фаол қўшимчалар қўшилган. Тойларнинг рационини таркибида қуруқ модда 6,75 кг. ни ташкил этди. Рацион 5,8 озукқа бирлиги, 60,95 Мж алмашинувчи энергия,

976 г хом протеин, 629 г ҳазмланувчи протеин, 1,5 кг хом клетчатка, 48,0 г кальций ҳамда 40,7 г фосфор мавжуд бўлди.

Тойларнинг 18-24 ойлигида рацион таркибида ҳам ўзгаришлар бўлди. Ушбу даврда тойлар рационига 8,0 кг беда пичани, 3,0 кг сули, 0,5 кг буғдой кепаци мавжуд бўлган. Тойларнинг ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш учун I тажриба гуруҳидаги тойлар рационига 300 г, II тажриба гуруҳидаги тойларга эса 400 г биологик фаол қўшимчалар қўшилди. Рацион таркибида бу даврга келиб қуруқ модда 9,16 кг, озуқа бирлиги эса 6,95 кг. ни ташкил этди. Шу билан бирга, 18-24 ойлик тойлар рационига 83,4 Мж алмашинувчи энергия 1030 г хом протеин, 727 г ҳазмланувчи протеин, 2,04 кг хом клетчатка 52,0 г кальций ҳамда 40,0 г фосфор мавжуд бўлди.

Тойларнинг дастлабки 3 кун тайёрлаш даври бўлиб, 8 кун давомида асосий баланс тажрибаси ўтказилди. Тойлар 8 кун давомида алоҳида денникларда сақланди, уларнинг ҳар бирига берилган озуқа, озуқа қолдиги, тезаги тарозида тортилиб, ўрганилиб борилди.

2-жадвал

Тойлар организмда озуқа моддаларининг ҳазмланиш коэффициенти, %

Т/р	Тавроси	Жинси	Қуруқ модда	Органик модда	Протеин	Ёғ	АЭМ	Клетчатка
Назорат гуруҳи								
1.	17	урғочи	62,4	67,6	56,1	81,19	78,9	48,35
2.	4	эркак	64,01	71,5	57,03	82,78	83,5	48,6
3.	4	эркак	63,5	70,3	57,8	81,2	84,2	45,95
		ўртача	63,3	69,8	56,97	81,72	82,2	47,63
I тажриба гуруҳи								
1.	21	урғочи	62,9	69,9	58,1	83,2	83,18	46,7
2.	28	эркак	65,5	72,5	56,73	84,6	85,18	51,8
3.	21	эркак	66,7	70,4	60,58	89,5	84,84	54,2
		ўртача	65,03	70,93	58,47	85,77	84,4	50,93
II тажриба гуруҳи								
1.	26	урғочи	65,70	73,2	58,45	81,29	83,34	45,7
2.	17	эркак	68,39	74,5	57,2	89,37	88,74	52,86
3.	27	эркак	67,25	69,5	61,5	88,64	86,55	55,37
		ўртача	67,11	72,43	59,05	86,43	86,21	51,31

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қуруқ модданинг ҳазмланиш коэффициенти назорат гуруҳига нисбатан I ва II тажриба гуруҳларида сезиларли даражада юқори бўлди, жумладан, назорат гуруҳида бу кўрсаткич ўртача 63,3 % ни ташкил этиб, I ва II тажриба гуруҳларида мос равишда 1,73 ва 3,81% га, протеин 1,5 ва 2,53 % га, клетчатка 3,3 ва 3,68% га юқори бўлди. Ёғнинг ҳазмланиш коэффициенти назорат гуруҳида 81,72 фоизни ташкил қилган бўлса, I ва II тажриба гуруҳларида бу кўрсаткич юқори бўлган. Хусусан, бу кўрсаткич I тажриба гуруҳида 85,77% ни ташкил

этган бўлса, II тажриба гуруҳида 86,43% ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан I ва II тажриба гуруҳларида тегишлича 4,05 ва 4,71% юқори бўлди. Рационига биологик фаол қўшимчалар қўшиб берилган гуруҳлардаги тойларда бошқа кўрсаткичлар, яъни органик моддалар, ёғ, азотсиз экстрактив моддаларнинг ҳазмланиши ҳам сезиларли даражада устун бўлди.

Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, тойлар рационини минерал ва витаминли қўшимчалар билан бойитиш улар организмида кечаётган моддалар алмашинувиға ижобий таъсир этиб, тойларнинг ўсиш ва ривожланишини жадаллаштирди.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 6 ойликдаги тирик вазни бўйича юқори кўрсаткич назорат гуруҳида кузатилиб, тана ўлчамлари бўйича сезиларли даражадаги фарқлар кўзга ташланмади.

3-жадвал

Тойларнинг 6 ойликдаги тирик вазни ва тана ўлчамлари, n=8

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи		I тажриба гуруҳи		II тажриба гуруҳи	
	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Тирик вазни, кг	150,0±3,5	6,2	149,2±2,7	4,7	147,2±2,0*	3,6
Қарчиғай баландлиги, см	121,1±1,0	2,1	121,1±0,9	1,9	120,5±0,9	2,0
Кўкрак айланаси, см	122,5±2,2	4,7	123,2±0,7	1,5	120,7±0,5**	1,1
Гавда қия узунлиги, см	118,2±0,9	1,9	119,6±0,7	1,5	118,8±0,7	1,5
Кафт айланаси, см	13,0±0,2	3,5	12,8±0,1*	2,2	12,8±0,1	2,0

*P<0,1; **P<0,05; ***P<0,01

Назорат гуруҳида тирик вазн кўрсаткичи 150,0 кг. ни ташкил этиб, I тажриба гуруҳига нисбатан 0,8 кг, II тажриба гуруҳига нисбатан 2,8 кг юқори бўлди. Қарчиғай баландлиги бўйича деярли бир хил натижалар олинди. Кўкрак айланаси бўйича энг юқори кўрсаткич I тажриба гуруҳида кузатилиб, назорат гуруҳига нисбатан 0,7 см, II тажриба гуруҳига нисбатан 2,5 см юқори кўрсаткичларни қайд этди. Гавданинг қия узунлиги бўйича II тажриба гуруҳидаги тойлар оралиқ ўринни эгаллади. Кафт айланаси бўйича олинган маълумотлар ҳам деярли бир хил бўлиб, назорат гуруҳи тойлари 0,2 см. га юқори бўлди. Шундай қилиб, барча гуруҳдаги тойларнинг тирик вазни ва асосий тана ўлчамлари тажриба бошида деярли бир хил бўлди.

Тадқиқотлар давомида 12 ойлик тойларнинг тирик вазни ҳамда тана ўлчамлари ўрганилиб, олинган натижалар қуйидаги 4-жадвалда ёритилган. Олти ой давомида тойлар рационига киритилган биологик фаол қўшимчалар

уларнинг организмида кечадиган моддалар алмашинуви жараёнига ижобий таъсир этиб, уларнинг тирик вазни юқори бўлишини таъминлади.

4-жадвал

Тойларнинг 12 ойликдаги тирик вазни ва тана ўлчамлари, n=8

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи		I тажриба гуруҳи		II тажриба гуруҳи	
	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Тирик вазни, кг	194,7±4,7	6,3	209,0±4,2*	5,3	219,0±2,9***	3,5
Қарчиғай баландлиги, см	131,1±0,9	1,8	132,6±0,7*	1,4	134,4±1,1**	2,2
Кўкрак айланаси, см	133,9±1,8	3,6	133,7±1,0	2,0	133,9±0,6	1,2
Гавда қия узунлиги, см	126,9±0,7	1,5	131,3±0,7***	1,5	134,0±0,8***	1,6
Кафт айланаси, см	14,5±0,1	2,7	14,9±0,1**	1,3	14,9±0,1**	1,6

*P<0,1; **P<0,05; ***P<0,01

Жадвал маълумотларидан айтиш мумкинки, 12 ойлик давридаги тирик вазн кўрсаткичи II тажриба гуруҳи тойларида юқори бўлди. Аниқланган устунлик тегишлича 24,3 ва 10,0 кг. ни ташкил қилди. Тана ўлчамлари таҳлиliga кўра, қарчиғай баландлиги II тажриба гуруҳи тойларида назорат ва I тажриба гуруҳи тенгқурларидан мос равишда 3,3 ва 1,8 см. га юқори бўлди. Кўкрак айланаси бўйича олинган маълумотларда кескин фарқлар кўзга ташланмади. Кафт айланаси бўйича I ва II тажриба гуруҳи тойлари бир хил кўрсаткичларни қайд этди. Гавда қия узунлиги бўйича II тажриба гуруҳи тойлари тенгқурларини мос равишда 7,1 ва 2,7 см. га ортда қолдирди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу даврда ҳам биологик фаол қўшимчалар берилган тойлар гуруҳида юқори тирик вазн ҳамда тана ўлчамлари қайд этилди.

5-жадвал

Тойларнинг 6-12 ойликдаги мутлақ, кунлик ва нисбий ўсиши, n=8

Т/р	Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
		Назорат	I тажриба	II тажриба
1	Мутлақ ўсиш, кг	44,7	59,8	71,8
2	Кунлик ўсиш, г	248	332	399
3	Нисбий ўсиш, %	29,8	40,1	48,8

Мутлақ ўсиш кўрсаткичи бўйича олинган маълумотларга қараганда II тажриба гуруҳи юқори натижаларга эришиб, ушбу кўрсаткич бўйича назорат ҳамда I тажриба гуруҳига нисбатан тегишлича 27,1 ва 12,0 кг устун бўлди. Кунлик ўсиш II тажриба гуруҳи устунлиги кўзга ташланди. Аниқланган устунлик тегишли равишда 151 ва 67 г. ни, тажриба гуруҳлари орасидаги фарқ 67 г. ни ташкил қилди. Нисбий ўсиш кўрсаткичлари шуни

кўрсатадики, II тажриба гуруҳи тойлари тенгдошларидан мос равишда 19,0 ва 8,7 фоиз юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

6-жадвал

Тойларнинг 18 ойликдаги тирик вазни ва тана ўлчамлари, n=8

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи		I тажриба гуруҳи		II тажриба гуруҳи	
	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Тирик вазни, кг	230,9±6,3	7,3	247,0±5,4*	5,7	259,0±3,0***	3,0
Қарчиғай баландлиги, см	137,5±1,5	2,8	139,6±0,5*	1,0	142,9±1,6***	3,0
Кўкрак айланаси, см	146,5±1,5	2,7	147,1±2,0	3,5	150,2±1,5*	2,7
Гавда қия узунлиги, см	140,5±0,8	1,6	144,2±1,4**	2,6	145,4±1,8**	3,2
Кафт айланаси, см	16,4±0,1	2,1	16,7±0,1*	1,2	17,0±0,1***	1,9

*P<0,1; **P<0,05; ***P<0,01

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, назорат ва тажриба гуруҳларида тирик вазни орасида фарқлар ошди. II тажриба гуруҳида энг юқори кўрсаткич кузатилиб, тенгқурларидан тегишлича 28,1 ва 12,0 кг. га юқори бўлди. Қарчиғай баландлиги назорат гуруҳида 137,5 см, I тажриба гуруҳида 139,6 см ҳамда II тажриба гуруҳида 142,9 см. ни ташкил этди. Кўкрак айланаси ва гавда қия узунлиги бўйича олинган натижалар II тажриба гуруҳининг устун эканлигини кўрсатди. Кафт айланаси мос равишда гуруҳларда 16,4; 16,7 ва 17,0 см. ни ташкил этди. Айтиш мумкинки, 18 ойлик ёшга келиб биологик фаол қўшимчаларнинг рационга киритилиши олинган рақамли маълумотларда яққолроқ кўзга ташланди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, II тажриба гуруҳида тирик вазн кўрсаткичи энг юқори бўлди. Аммо, I тажриба гуруҳи тойларида ҳам юқори тирик вазн ўсиши кузатилди. Тирик вазн II тажриба гуруҳи тойларида 340,1 кг. ни ташкил қилиб, I тажриба гуруҳи тойларига нисбатан 17,2 кг, назорат гуруҳига нисбатан 48,9 кг юқори бўлди.

7-жадвал

Тойларнинг 24 ойликдаги тирик вазни ва тана ўлчамлари, n=8

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи		I тажриба гуруҳи		II тажриба гуруҳи	
	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Тирик вазни, кг	291,2±7,7	7,0	322,9±4,1***	3,4	340,1±3,8***	3,0
Қарчиғай баландлиги, см	147,5±1,0	1,9	149,5±1,0	1,8	150,5±2,1	3,6
Кўкрак айланаси, см	155,4±1,5	2,5	157,5±2,4	4,0	159,2±2,0	3,3
Гавда қия узунлиги, см	150,1±0,9	1,6	151,5±1,5	2,6	152,0±2,0	3,5
Кафт айланаси, см	18,4±0,1	2,1	18,4±0,2	3,2	18,6±0,2	2,4

*P<0,1; **P<0,05; ***P<0,01

Қарчиғай баландлиги, кўкрак айланаси, гавда қия узунлиги ва кафт айланаси бўйича олинган маълумотлар II тажриба гуруҳи тойларининг устун эканлигини кўрсатди. II тажриба гуруҳи тойлари тенгқурлари назорат ва I тажриба гуруҳига нисбатан мос равишда қарчиғай баландлиги бўйича 3,0 ва 1,0 см, кўкрак айланаси бўйича 3,8 ва 1,7 см, гавда қия узунлиги бўйича 1,9 ва 0,5 см ҳамда кафт айланаси 0,2 см юқори кўрсаткичларни қайд этишди. I ва II тажриба гуруҳи тойлари ўртасидаги фарқ мос равишда 1,0; 1,7; 0,5; 0,2 см. ни ташкил қилди. Рационга киритилган биологик фаол қўшимчаларнинг тойлар организмига таъсири ижобий эканлиги кўриниб турибди. Рационга 300-400 г биологик фаол қўшимчалар қўшилган II тажриба гуруҳи тойлари I тажриба гуруҳи тойларидан устун кўрсаткичларни қайд этди.

Жадвалдан кўриш мумкинки, ушбу даврда тирик вазннинг мутлак, кунлик ва нисбий ўсиши назорат гуруҳига нисбатан I тажриба гуруҳининг устунлиги мос равишда 15,6 кг, 81,6 г ва 4,6 фоизни, II тажриба гуруҳининг устунлиги эса тегишлича 20,7 кг, 115 г ва 5,2 фоизни ташкил этди.

8-жадвал

Тойларнинг 18-24 ойликдаги мутлак, кунлик ва нисбий ўсиши, n=8

Т/р	Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
		Назорат	I тажриба	II тажриба
1	Мутлак ўсиш, кг	60,3	75,9	81,0
2	Кунлик ўсиш, г	335,0	416,6	450,0
3	Нисбий ўсиш, %	26,1	30,7	31,3

Хулоса қилиб айтганда, тойларни жадал ўстиришда биологик фаол моддалардан фойдаланиш самарали ҳисобланиб, рационига 300 г биологик фаол қўшимчалар қўшилган I тажриба гуруҳи тойларига нисбатан 400 г қўшилган II тажриба гуруҳи тойлари устунлик қилди.

Диссертациянинг **“Тойларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари”** номли тўртинчи бобида тажрибадаги тойларнинг клиник ҳамда гематологик кўрсаткичларини аниқлаш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган. Тойлар рационига қўшилган биологик фаол қўшимчаларнинг улардаги физиологик ёки клиник ҳолатга таъсирини ўрганиш тойларнинг 9 ва 21 ойлик ёшида олиб борилиб, натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳидаги тойларнинг клиник кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	Назорат	I тажриба	II тажриба
9 ойликда			
Тана харорати, С°	37,6	37,9	38,1
Нафас олиши, марта	14,9	14,6	14,3
Бир минутда пульс уриши, марта	60,6	63,3	61,6

21 ойликда			
Тана ҳарорати, С°	37,9	38,2	38,5
Нафас олиши, марта	11,0	10,6	10,3
Бир минутда пульс уриши, марта	45,6	48,0	46,6

Тойларнинг 9 ойликдаги тана ҳарорати аниқланганда гуруҳлараро фарқлар кўзга ташланади. Энг юқори кўрсаткич II тажриба гуруҳи тойларида кузатилди. Ушбу гуруҳ тойлари I тажриба гуруҳидан 0,2°С ва назорат гуруҳидан 0,5°С юқори тана ҳароратига эга бўлди. Нафас олиш (бир дақиқада) миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич назорат гуруҳига тўғри келди, тенгқурларидан тегишлича 0,3 ва 0,6 мартага кўп нафас олиши кузатилди. Бир дақиқадаги юрак уриши миқдори I тажриба гуруҳи тойларида 63,3 мартани ташкил этган ҳолда тенгқурларини мос равишда 2,7 ва 1,7 мартага ортда қолдирди.

Шундай қилиб, 9 ойлик тойларнинг I тажриба гуруҳида тана ҳарорати, нафас олиши ва юрак уриши миқдори юқори бўлди. Бу, албатта, моддалар алмашинуви ва организмдаги физиологик жараёнлар билан боғлиқ. Айтиш мумкинки, барча гуруҳларда клиник кўрсаткичлар физиологик меъёр даражасида кечди.

10-жадвал

Тажрибадаги тойларнинг гемтологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Физиологик меъёр	Гуруҳлар		
		Назорат	I тажриба	II тажриба
Нв г/л	90,0-149,0	111,67	129,33	136,47
Эритроцитлар $\times 10^{12}/л$	6,4-7,8	6,47	7,23	7,53
Лейкоцитлар $\times 10^9/л$	4,8-7,7	5,07	6,73	7,33
Тромбоцитлар $\times 10^9/л$	160-190	166,33	170,33	171,00

Тадқиқотларда маълум бўлишича эритроцитлар миқдори II тажриба гуруҳи тойларида энг юқори бўлиб, тенгқурларини тегишлича 1,06 ва 0,3 $\times 10^{12}/л$ ортда қолдирган. Қондаги лейкоцитлар миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич II тажриба гуруҳида кузатилди. Гуруҳлар орасидаги фарқ тегишлича 2,26 ва 0,6 $\times 10^9/л$ ни ташкил қилди. Тромбоцитлар миқдори бўйича юқори натижа II тажриба гуруҳида кузатилиб, тенгқурларидан мос равишда 4,67 ва 0,67 $\times 10^9/л$, гемоглобин бўйича тегишлича 24,8 ва 7,14 г/л юқори бўлганлиги аниқланди. Рационга қўшилган биологик фаол қўшимчалар қон таркибидаги тромбоцитлар миқдорининг ошишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Умуман олганда, рационга қўшилган биологик фаол қўшимчалар тойлар қони таркибининг сифат жиҳатдан такомиллашишига олиб келди, шу билан биргаликда, барча гуруҳларда қон таркиби кўрсаткичлари физиологик меъёр даражасида бўлди.

Диссертациянинг “Тойларни жадал ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги” номли бешинчи бобида тажрибадаги тойларнинг озуқа сарфи, тажриба давридаги сарфланган озуқа ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда иқтисодий самарадорлик бўйича олинган маълумотлар баён қилинган.

Тажриба давомида тойларга сарфланган озукалар миқдори қуйидаги жадвалда келтирилган бўлиб, беда пичани 4410 кг, сули 900 кг, буғдой кепаци 180 кг ва ош тузи 7,56 кг сарфланди. Биологик фаол қўшимчалар тажриба гуруҳларида мос равишда 90,0 ва 126,0 кг. ни ташкил қилди. Бу тажриба даврида ҳам биологик фаол қўшимчаларнинг миқдори гуруҳларда турлича бўлиши иқтисодий самарадорликка ўз таъсирини кўрсатиши табиий ҳисобланади.

Иқтисодий самарадорликда ҳар 1 бош тойга кетган харажатлар, ҳар 1 бош тойдан олинган тирик вазн ва 1 кг тирик вазннинг баҳоси каби кўрсаткичлар эътиборга олинди.

Жадвал маълумотларидан айтиш мумкинки, 1 бош тойга кетган харажатлар назорат гуруҳига нисбатан I тажриба гуруҳида 225000 сўм, II тажриба гуруҳида 315000 сўм кўп бўлди. Олинган тирик вазн миқдори назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳларида мос равишда 18,1 ва 25,2 кг юқори бўлди.

11-жадвал

Озука сарфи, 1 бошга

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	I тажриба гуруҳи	II тажриба гуруҳи
6-12 ойлик ёшида			
Беда пичани, кг	1170	1170	1170
Сули (ёрмаси), кг	360	360	360
Буғдой кепаци, кг	90	90	90
Ош тузи, кг	3,24	3,24	3,24
Биологик фаол қўшимча, кг	-	36,0	54,0
18-24 ойлик ёшида			
Беда пичани, кг	3240	3240	3240
Сули (ёрмаси), кг	540	540	540
Буғдой кепаци, кг	90	90	90
Ош тузи, кг	4,32	4,32	4,32
Биологик фаол қўшимча, кг	-	54,0	72,0

12-жадвал

Иқтисодий самарадорлик

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	I тажриба гуруҳи	II тажриба гуруҳи
Ҳар 1 тойга кетган харажат, сўм	1894804,8	2119804,8	2209804,8
Олинган қўшимча тирик вазн, кг	113,0	135,7	145,9
1 кг тирик вазннинг баҳоси, сўм	18000	18000	18000
Олинган даромад, сўм	2034000	2442600	2626200
Соф фойда, сўм	139195,2	322795,2	416395,2
Самарадорлик даражаси, %	7,35	15,23	18,84

Назорат гуруҳига нисбатан самарадорлик даражаси I тажриба гуруҳида 8,07 ва II тажриба гуруҳида 10,52 фоиз юқори бўлди. Бунинг асосий сабаби

сифатида биологик фаол қўшимчаларнинг тойларнинг ўсиш ва ривожланишга ижобий таъсирини кўрсатиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биологик фаол қўшимчалар тойларнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этиши билан биргаликда иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

1. Вино саноати иккиламчи маҳсулотлари бўлган узум сикма чиқиндиларида 150 дан ортиқ биологик фаол моддалар мавжуд бўлиб, таркибида витамин Е, В₁, В₂, Р, РР, провитамин А, минерал моддалар, калий, кальций ҳамда политўйинмаган кислоталар ва кофеин бўлган узум уни ҳайвонларни озиклантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маҳсулотлардан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар 6-12 ойлик тойлар рационига 200-300 г, 18-24 ойлик тойлар рационига 300-400 г миқдоридан киритилди.

2. Қуруқ модданинг ҳазмланиш коэффициенти I ва II тажриба гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди, жумладан, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 63,3% ни ташкил этиб, I ва II тажриба гуруҳларида мос равишда 1,73 ва 3,81% га, протеин 1,5 ва 2,53% га, клетчатка 3,3 ва 3,68% га юқори бўлди. Ёғнинг ҳазмланиш коэффициенти назорат гуруҳида 81,72 фоизни, I ва II тажриба гуруҳларида мос равишда 85,77 ва 86,43% ни ташкил этди.

3. Тажрибадаги тойларга 6-12 ойлик даврида I тажриба гуруҳига 200 г I тажриба гуруҳига 300 г биологик фаол қўшимчалар рационига киритилганда тирик вазн кўрсаткичи II тажриба гуруҳи тойларида 219,0 кг ни ташкил этиб, назорат ва I тажриба гуруҳларидан мос равишда 24,3 ва 10,0 кг-га юқори бўлди. Қарчиғай баландлиги II тажриба гуруҳи тойларида назорат ва I тажриба гуруҳи тенгқурларидан мос равишда 3,3 ва 1,8 см.га юқори бўлди.

4. Тойларнинг 24 ойликдаги тирик вазни бўйича энг юқори кўрсаткич II тажриба гуруҳида кузатилди. Тирик вазн кўрсаткичи II тажриба гуруҳи тойларида 340,1 кг. ни ташкил қилиб, I тажриба гуруҳи тойларига нисбатан 17,2 кг, назорат гуруҳига нисбатан 48,9 кг юқори бўлди. Биологик фаол қўшимчаларнинг тойлар организмга ижобий таъсир этиб, барча ўсиш давларида рационга 300-400 г биологик фаол қўшимчалар қўшилган I ва II тажриба гуруҳи тойлари юқори тирик вазнга эришди.

5. Тойларнинг экстерьер кўрсаткичлари, яъни қарчиғай баландлиги, кўкрак айланаси, гавда қия узунлиги ва кафт айланаси бўйича 24 ойликда олинган маълумотлар II тажриба гуруҳи тойларининг устун эканлигини кўрсатди. II тажриба гуруҳи тойлари тенгқурлари назорат ва I тажриба гуруҳига нисбатан мос равишда қарчиғай баландлиги бўйича 3,0 ва 1,0 см, кўкрак айланаси бўйича 3,8 ва 1,7 см, гавда узунлиги бўйича 1,9 ва 0,5 см ҳамда кафт айланаси бўйича 0,2 см юқори кўрсаткичларни қайд этди.

6. Тажрибадаги тойларнинг 6-12 ойликдаги мутлақ ўсиш кўрсаткичи бўйича II тажриба гуруҳи назорат ҳамда I тажриба гуруҳига нисбатан

тегишлича 4,5 ва 2,0 кг устун бўлди. Кунлик ўсиш кўрсаткичи бўйича II тажриба гуруҳининг устунлиги тегишли равишда 150 ва 60 г. ни ташкил қилди. Нисбий ўсиш кўрсаткич бўйича эса мос равишда 15,0 ва 13,6% юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Таҳлил қилинган барча ўсиш даврларида биологик фаол қўшимчаларнинг таъсири яққол кўзга ташланиб, уларнинг ўсиш кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар содир бўлди.

7. Тойлар рационига қўшилган биологик фаол қўшимчаларнинг улар организмига таъсири ижобий эканлиги ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларида кўриниб турибди. Шундай бўлсада биологик фаол қўшимчалар миқдорининг аҳамияти ҳам кўзга ташланади, яъни рационга 300-400 г биологик фаол қўшимчалар қўшилган II тажриба гуруҳи тойлари I тажриба гуруҳи тойларидан устун кўрсаткичларни қайд этди. Бу тойлар рационига биологик фаол қўшимчаларни қўшиш орқали уларнинг организмида моддалар алмашинувини яхшилаш ҳамда шу орқали тойларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ижобий томонга ўзгартириш мумкин эканлигидан далолат беради.

8. Тойларнинг 21 ойлик ёшидаги клиник кўрсаткичлари таҳлилларига кўра, II тажриба гуруҳи тойлари тана ҳарорати бўйича энг юқори, яъни назорат гуруҳига нисбатан $0,6^{\circ}\text{C}$, I тажриба гуруҳига нисбатан $0,3^{\circ}\text{C}$ устун бўлди. Нафас олиш назорат гуруҳи тойларида I тажриба гуруҳи тойларини 0,4 тага, II тажриба гуруҳи тойларини эса 0,7 тага ортда қолдирди. Юрак уриши бўйича энг юқори кўрсаткич I тажриба гуруҳи тойларида кузатилди. Ўз навбатида, тенгқурларини мос равишда 2,4 ва 1,4 тага ортда қолдиришди. Шундай қилиб, тойларнинг клиник кўрсаткичлари бўйича гуруҳлараро фарқлар кузатилган бўлсада, барча гуруҳларда физиологик меъёр даражасида бўлди.

9. Тадқиқотларда маълум бўлишича, эритроцитлар миқдори II тажриба гуруҳи тойларида энг юқори бўлди (7,53). Ушбу гуруҳ тойлари тенгқурларини тегишлича 1,06 ва $0,3 \times 10^{12}/\text{л}$ ортда қолдирди. Қондаги лейкоцитлар миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич II тажриба гуруҳида кузатилди. Гуруҳлар орасидаги фарқ тегишлича 2,26 ва $0,6 \times 10^9/\text{л}$. ни ташкил қилди. Тромбоцитлар миқдори бўйича II тажриба гуруҳи тенгқурларидан мос равишда 4,67 ва $0,67 \times 10^9/\text{л}$ юқори бўлиши аниқланди. Бунда биологик фаол қўшимчаларнинг моддалар алмашинуви ва қон хусусиятларида ижобий ўзгаришларга олиб келганини кўриш мумкин.

10. Тадқиқотлар давомида 1 бош тойга кетган харажатлар назорат гуруҳида 1894804,8 сўмни, I тажриба гуруҳида 2119804,8 сўмни ва II тажриба гуруҳида 2209804,8 сўмни ташкил этди. Аммо, тажриба гуруҳларида олинган тирик вазн миқдори юқори бўлди. Ушбу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳларида мос равишда 22,7 ва 32,9 кг юқори бўлди. Назорат гуруҳидаги тойларда иқтисодий самарадорлик даражаси 7,35 фоизни ташкил қилди. Рационига биологик фаол қўшимчалар қўшилган тажриба гуруҳларида иқтисодий самарадорлик даражаси юқори бўлиб, тегишлича 15,23 ва 18,84 фоизни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.06/09.07.2020.QX/V.117.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФИЛИАЛЕ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ,
ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ЖИВОТНОВОДСТВА И ПТИЦЕВОДСТВА**

ЖАББОРОВ ШЕРМАТ ШОКИРОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ИНТЕНСИВНОГО ВЫРАЩИВАНИЯ МОЛОДНЯКА
КАРАБАЙРСКОЙ ПОРОДЫ В ПРЕДГОРНЫХ УСЛОВИЯХ
УЗБЕКИСТАНА**

06.02.03 - Частная зоотехния. Технология производства продуктов животноводства

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ– 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/Qx846

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте животноводства и птицеводства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский) размещён на веб-странице по адресу (www.svmitf.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net

Научный руководитель: **Нурматов Аъзамжон Акбарович**
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Шаптаков Эркин Суюнович**
доктор сельскохозяйственных наук
Хафизов Иноят Исмоилович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Ветеринария Республики Узбекистан и Государственный комитет по развитию животноводства**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2023 года в __ часов на заседании Научного совета PhD06/09.07.2020.Qx/V.117.01 при Ташкентском филиале Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологии. (Адрес: 111801, г. Тошкент, Чиланзарский район, 20 квартал, дом 35А. Тел: (99870) 9758311); e-mail: svmi.tfi@yandex.ru, www.svmitf.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно – ресурсном центре Ташкентском филиале Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологии (Зарегистрирован за № ____). (Адрес: 111801, г. Тошкент, Чиланзарский район, 20 квартал, дом 35А. Тел: (99870) 9758311), факс (99870) 9758311); e-mail: svmi.tfi@yandex.ru, www.svmitf.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года
(реестр протокола рассылки № __ «__» _____ 2023 года)

Б.К.Мадартов

Председатель научного совета
по присуждению учёной степени,
д.с.х.н., профессор

М.Э.Ғойипова

Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёной степени,
д.ф.в.н. (PhD)

С.И.Мавланов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёной степени, д.в.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Коневодство является важной отраслью народного хозяйства, и лошадей разводят в большинстве стран мира. Сегодня насчитывается более 250 пород лошадей, которые используются для разведения, продуктивности и спорта. Потребность в лошадях снижается в результате уменьшения значения существующих пород лошадей в народном хозяйстве, меньшего использования лошадей в сельском хозяйстве, модернизации и автоматизации многих процессов в сельском хозяйстве. В то же время сохранение существующих пород лошадей в соответствии с требованиями стандарта породы становится актуальной проблемой. В коневодстве актуальными считаются направления использования современных технологий в производстве продукции коневодства.

Коневодство хорошо развито в таких странах, как Российская Федерация, Казахстан, Киргизия, Туркменистан, Таджикистан, входящих в состав СНГ. В этих странах проведена большая работа в направлении развития конного спорта путем разработки экспресс-методов роста и развития, производства мяса-конины, разведения спортивных лошадей, экспорта и импорта лошадей с ценными генетическими признаками. Важное значение имеют исследования, направленные на разработку технологий содержания лошадей в пастбищных условиях, подкормки лошадей, обогащение рационов лошадей биологически активными веществами, ускоренное выращивание жеребят.

Карабаирская порода лошадей, созданная в нашей республике, отличается приспособленностью к изменяющимся природно-климатическим условиям, предгорным и горным районам, неприхотливостью к кормам, резвостью, хорошим преодолением препятствий, легким передвижением. После отъема от матерей молодняк не может получать различные витамины и минералы, которые они получают с молоком матери. В результате нехватка необходимых организму макро-микроэлементов и витаминов отрицательно влияет на процессе обмена веществ, и животное отстает в росте и развитии. В этой ситуации важно восполнить дефицит минеральных веществ и витаминов у карабаирской породы лошадей натуральными биологически активными добавками.

